

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

18 ИЮЛЬ 2018 й. г. № 550

Тошкент ш. – г. Ташкент

**2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси магистратурасига қабул тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг молия, банк ва солиқ тизимлари ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори айрим тармоқлари ва корхоналарида инвестиция фаолияти учун юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси бўйича 2018/2019 ўқув йилига қабул квоталари 1-иловага мувофиқ;

“Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)” мутахассислиги бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт реал секторининг айрим тармоқлари ва корхоналари бўйича тақсимланиши 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасида бошқарув кадрлари тайёрланишини эътиборга олган ҳолда мазкур қарорнинг 1-илосида келтирилган магистратура босқичида бошқарув кадрлари тайёрлаш мутахассисликлари номларини бир ой муддатда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратураси қабул комиссиясига Академияга кириш жараёнида магистратура мутахассисликлари бўйича абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда Академиянинг қабул кўрсаткичларига белгиланган умумий квоталар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
магистратураси бўйича 2018/2019 ўқув йилига қабул квоталари**

№	Мутахассисликлар номи	Жами	шу жумладан	
			давлат гранти	тўлов-контракт
1.	Иқтисодиётни монетар тартибга солиш	10	7	3
2.	Тижорат банкларини бошқариш	45	11	34
3.	Банк ҳисоби, аудити ва назорати	15	5	10
4.	Инвестицияларни бошқариш (банк сектори)	30	6	24
5.	Инвестицияларни бошқариш (реал сектор)	15	4	11
6.	Давлат молиясини бошқариш	35	15	20
7.	Давлат молиявий назорати ва аудити	10	3	7
8.	Суғурта компанияларини бошқариш	10	-	10
9.	Пенсия фондларини бошқариш	15	10	5
10.	Корпоратив молияни бошқариш	15	4	11
<b>Жами</b>		<b>200</b>	<b>65</b>	<b>135</b>

*Изоҳ. “Давлат молиясини бошқариш” мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида 2 (иккита) ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги учун, 1 (битта) ўрин Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун мақсадли равишда ажратилган.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 18 июл даги 550-сон қарорига  
2-илова

**“Инвестицияларни бошқариш (реал сектор учун)” мутахассислиги  
бўйича қабул квоталарининг иқтисодиёт реал секторининг айрим  
тармоқлари ва корхоналари бўйича тақсимланиши**

№	Вазирлик, идора ва корхоналарнинг номлари	Жами	шу жумладан	
			давлат гранти	тўлов- контракт
1.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1	1	-
2.	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	3	2	1
3.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси	1	1	-
4.	“Ўзбекнефтегаз” АЖ	3	-	3
5.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	1	-	1
6.	“Навоий КМК” ДК	2	-	2
7.	“Олмалиқ КМК” АЖ	1	-	1
8.	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ	1	-	1
9.	“Қишлоқ қурилиш банк” АТБ	2	-	2
	<b>Жами</b>	<b>15</b>	<b>4</b>	<b>11</b>

